

«Шарқдан ғарбга» фильмидан иқтибос



11:05 / 24.12.2019 2625

«Зулматли асрлар»ни бошидан кечираётган зулматли ҳудудларга бир учи туташиб турган мусулмон ўлкалари ҳудудларининг барчаси Ислом нури билан порлаб турган давр. Бу буюк нур бошқаларнинг кўзини қамаштирар эди...

Шу ерда Буюк Британияда John Fothergill режисёрлигида, «Эс Де Медиа» компанияси томонидан тайёрланган «Шарқдан ғарбга» деб номланган етти бўлимдан иборат фильмнинг тўртинчи қисмидан олинган иқтибосни эътиборингизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз.

«Дамашқ. Шом. Уммавийлар масжидидан мўминларни намозга чорлаб азон айтилмоқда. Кундалик ибодатлар вақтини белгилловчи бу анъана 1400 йилдан буён давом этиб келмоқда. Бу чорловга дунёнинг энг буюк динларидан бири бўлмиш Ислом аҳли лаббай деб жавоб беради. Бу жавоб

ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатининг абадий барҳаётлигини тасдиқлайди. Айни пайтда, бу Ислолдаги бошқа бир таълимотнинг – кашфиёт ва илмий тадқиқотларга интилиш, илмга бўлган чанқоқлик анъанасининг ҳам тасдиғидир.

Бу – ўрта аср Исломининг тамаддун тарихига қўшган, бироқ унутилган улкан ҳиссаси ҳақидаги ҳикоядир. Европа тарихининг зулматга чўмилган даврида мусулмонлар борлиқ ҳақидаги тушунчаларни умумлаштирдилар, таълим муассасаларига асос солдилар ва замонавий илм-фан пойдеворини қурдилар...

...Яқин Шарқда зулмат асрлари бўлмаган. Римликлар бу ерда узоқ тамаддунлар тарихининг кичик бир нуқтасидир, холос. Шарқий Рим империяси ўз ўрнини араб саҳросидан келган янги кучга бўшатиб берган.

Фотиҳлар ўзлари билан янги динни – Илом динини олиб келишди. Халифалар бир аср мобайнида Дамашқда Қадимий Римдан афзал бўлган салтанат ҳукмдорларига айланишди. Янги Илом дунёсининг ҳудуди Ҳиндистондан Испаниянинг ғарбий соҳилларигача етиб борди. Римга бостириб кирган қабилалардан фарқли ўлароқ, бу фотиҳларни жоҳил варварлар деб аташ мумкин эмас эди. Дамашқда ҳатто бинолар ҳам бор маданиятни вайрон қилиш эмас, балки тараққиётни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлатнинг тарихидан ажиб ҳикоялар сўзлайди.

706 йилда араб дунёсидаги энг биринчи ва энг катта масжид қурилиши бошланди. Масжиднинг бошланиш нуқтаси дунёдаги энг кўҳна қадамжолардан бири бўлмиш бино эди.

Уч минг йил муқаддам бу ерда Хаддод номли олиҳага сиғиниб, унга атаб қурбонликлар қилишарди. Биринчи асрда бу ерда Дамашқ Юпитерининг улкан эҳроми турарди. IV асрда у Яҳё чўқинтурувчининг мақбарасига айлантирилди. VIII асрга келиб эса бу ерда Илом халифалигининг энг катта масжиди қурилди.

Уммавийлар масжиди Иломнинг тамаддун тарихининг таркибий қисми эканидан далолат беради. Янги мозаикалар ва миноралар насроний усталар томонидан эски базилика ва мажусийлар эҳромига монанд қилиб қурилган эди.

Атрофимиздаги меъморчилик обидалари халифалар бу ерда аввал бўлган нарсаларни бузмаганини, балки улар асосида янада гўзал ва бетакрор иморатлар қурганини исботлайди. Улар илм-маърифат соҳасида ҳам ана

шундай камолот сари интилар эдилар.

Ушбу дин мозийдаги билимларни эҳтиром қилиш ва уларни ривожлантириш учун ўз асосларига эгадир. Мусулмонлар ҳар куни муайян вақтларда беш маҳал намоз ўқиб, ибодат қиладилар. Шунинг учун бу дин ўзининг илк кунлариданоқ вақтни аниқ ҳисоблаш жуда муҳим аҳамият касб этган.

Дамашқ жоме масжидининг минораси томида қуёш соати ўрнатилган бўлиб, уни XIII асрда Ибн Шотир ясаган. Бу қуёш соати масжиднинг ҳовлиси ва деворларини безаб турган, зеро Исломда ҳар кунги беш маҳал намоз вақtlари қуёшнинг осмондаги жойлашувига боғлиқдир. Қуёш соатисиз вақтни аниқлашнинг имкони бўлмаган.

Ушбу қуёш соати бугунги кунда ҳам амалда бўлган вақт тақсимини - бир кеча-кундуздаги 24 соатни кўрсатиш билан бирга намоз вақtlарини ҳам кўрсатиб туради. Аниқ вақтдан ташқари, мусулмонлар ер шарининг қайси нуқтасида турганини билишлари ҳам зарурдир.

Чунки мусулмонлар сайёрамизнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъий назар, Маккаи мукарраманинг қайси томондалигини билиш лозим, зеро намознинг қибласи - Маккаи мукаррама шаҳридир. Демак, мусулмонлар қуёш, ой ва бошқа сайёраларнинг ҳаракатланишига қараб аниқ вақтни ва турган жойларини аниқлай олишлари лозим.

Яратганга бўлган иймон ушбу қуёш соатини ўрнатган одамларнинг илмга бўлган интилишини тўсмаган, аксинча, уларни борлиқнинг моҳияти ва унинг сир-асрорлари, қонуниятларини ўрганишга, билишга ундаган.

Бу илмий тадқиқотлар фақат намоз вақtlари ва қиблани аниқлаш учунгина олиб борилмаган, бу интеллектуал интилишларга дунёни билиш, уни англаш иштиёқи ҳам сабаб бўлган, зеро Қуръони каримда инсонни теvarак-атрофга, борлиққа, ундаги чексиз ҳикмат билан йўғрилган мукамалликка, гўзалликка ақл кўзи билан назар солиш, само жимларининг аниқ ҳаракатини кузатиб, ақл юритишга, жумбоқларга жавоб топиб, муаммоларга ечим топиб, оламдаги сабабият қонунларини кашф этишга чақирувчи оятлар жуда кўпдир.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди.